



ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ЎРТАСИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ ЮКСАК ДАРАЖАГА КЎТАРИЛГАНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 июль куни рафиқаси билан бирга давлат ташрифи билан Қирғизистонга келди.



Чўпонота шаҳридаги “Исикқўл” халқаро аэропортида уларни Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва унинг рафиқаси кутиб олди.

Олий мартабали меҳмонлар шарафига икки давлат байроқлари кўтарилиб, фахрий қоровул саф тортди. Шундан сўнг Чўпонота шаҳридаги Чингиз Айтматов номидаги “Рух Ордо” маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат мадҳиялари янгради.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Садир Жапаров фахрий қоровул сафи олдидан ўтиб, расмий делегациялар аъзоларини бир-бирларига таништирдилар.

“Рух Ордо” маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров билан тор донрадаги ва расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон — Қирғизистон ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бугунги кунда Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари ҳар қачонгидан ҳам юксак даражага кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 10 баробарга ошиб, ўтган йил якуни билан 1,2 миллиард долларга етди. 450 та қўшма корхона таш-

кил этилди, кооперация лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган Тараққиёт фонди самарали фаолият юритмоқда.

Шаҳарлар ўртасида 15 та авиақатнов, 5 та автобус йўналиши йўлга қўйилган.

Бу галги ташриф арасидада Хукуматлараро комиссия, Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, бизнес-форум, ректорлар ва таҳлилий марказлар вакилларининг учрашувлари, Ўзбекистон маданияти кунлари ҳамда қатор бошқа тадбирлар муваффақиятли ўтказилди.

Музокаралар давомида томонлар парламентлар, ҳукуматлар, вазирлик, идора ва ҳудудлар, ишбилармон доиралар ва экспортлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттиришга келишиб олдилар. Давлатлараро кенгаш тузишга қарор қилинди.

Халқаро ва минтақавий тузилмалар, жумладан, БМТ, ШХТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви ҳамда бошқа кўп томонлама платформалар доирасида яқин ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Ўзаро савдо ҳажмини 3 миллиард долларга етказиш вазифасидан келиб чиқиб, яқин фурсатда импорт ўрнини фаол босиш асосида ўзаро маҳсулот етказиб бериш ҳажмларини ошириш чоралари кўрилади. Шунингдек, икки давлат пойтахтларида савдо уйлари ва ваколатхоналари очилди.

Устувор йўналишларда саноат кооперациясини чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қaratилди. Бунда энергетика, геология, муҳим минераллар, логистика, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа

соҳаларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Кунни кеча бўлиб ўтган бизнес форуми доирасида янги савдо шартномалари ва инвестиция келишувларининг тўплами қабул қилинди.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик стратегик йўналиш сифатида белгиланди. Қамбарота ГЭС-1 қурилиши лойиҳаси бўйича битимни имкон қадар тезроқ имзолаб, уни амалий босқичга ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

“Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича амалга оширилаётган йирик лойиҳанинг жорий ҳолати юзасидан фикр алмашилди.

Транспорт соҳасида ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш мақсадида мазкур темир йўл бўйлаб чегараолди ва савдо-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, руҳсат бериш тартиб-таомилларини рақамлаштириш, автоташувчилар учун қулай шароитлар яратишга келишиб олинди.

Икки мамлакат ҳудудлари савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг ўсиш нуқталари экани таъкидланди.

Бу борада жорий йил якунига қадар барча вилоятлар иштирокида биринчи Худудлар форуми ўтказилиши ҳамда уларнинг ўзаро ташрифлари жадвали тасдиқланиши белгилаб олинди.

Маданият, ёшлар, туризм, таълим, илм-фан ва спорт соҳаларидаги фаол алмашинувлар давом эттирилади.

Музокаралар давомида Бош вазир ўринбосарларининг савдо-иқтисодий кун тартиби бўйича аниқ таклифларни ўзи ичига олган ахборотлари тингланди.

Яқунда Шавкат Мирзиёев Садир Жапаровни ўзи учун қулай вақтда Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф этди.

Олий даражадаги музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Шунингдек, давлат раҳбарлари ҳузурида икки томонлама ҳужжатларни алмашиш маросими бўлди. Шу жумладан:

— Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегарасининг участкалари тўғрисида шартнома;

— “Чашма” булогидан биргаликда фойдаланиш тўғрисида битим;

— Давлат ижтимоий сугуртаси ва пенсия таъминоти тўғрисида битим;

— Олий таълим соҳасидаги кредитларни ўзаро тан олиш тўғрисида битим;

— Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга ўзгартириш ва қўшимчалар қилиш ҳақида баённома;

— Фуқароларнинг ўзаро келиб-кейтишлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битимга баённома;

— Қирғиз Республикасининг Исикқўл вилояти ҳудудида жойлашган курорт-рекреация хўжалиги объектилари тўғрисидаги битимга баённома;

— 2026-2027 йилларга мўлжалланган маданият соҳасидаги тадбирлар режаси;

— 2026-2027 йилларга мўлжалланган туризм соҳасидаги қўшма ҳаракатлар режаси;

— Қирғиз Республикасининг Исикқўл вилояти Тон туманида жойлашган “Бўстон” пансионати тўғрисида шартнома;

— 2026-2027 йилларга мўлжалланган агросаноат мажмуаси соҳасидаги амалий чора-тадбирлар режаси.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни I даражали “Манас” ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қирғиз Республикасининг юксак мукофоти темир йўлини қуриш бўйича амалга оширилаётган йирик лойиҳанинг жорий ҳолати юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон етакчиси қардош Қирғизистон Президенти ва халққа чуқур миннатдорлик билдириб, ушбу мукофотни икки халқ ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш борасидаги биргаликдаги сазой-ҳаракатлар ҳамда Ўзбекистон ва Қирғизистон муносабатларини янги тарихий босқич — иттифоқчилик даражасига олиб чиқишга қаратилган муштарак интилишларнинг юксак эътирофи сифатида қабул қилишини таъкидлади.

1996 йилда таъсис этилган “Манас” ордени Қирғиз Республикасининг олий давлат мукофотларидан бири ҳисобланади. Республика ва хориқ фуқароларига давлатчилик ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ўзаро англашув ришталарини ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қирғиз Республикаси

Президенти Садир Жапаров бўлиб ўтган музокаралар якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун баёнот бердилар.

Мамлакатимиз етакчиси Қирғизистонга бу галги давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга бўлиб, Ўзбекистон — Қирғизистон кўп қиррали ҳамкорлигида янги саҳифани очганини таъкидлади.

Ушбу саммитга биргаликда катта тайёрларлик ишлари амалга оширилгани қайд этилди. Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши, бизнес-форум, ректорлар ва таҳлилий марказлар вакилларининг учрашувлари муваффақиятли ўтказилди. Айни пайтда Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида турли тадбирлар ўтмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Президентимиз қардош Қирғизистонни 2027-2028 йилларда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий бўлмаган аъзоси этиб сайлангани муносабати билан самимий табриклади. Бу мамлакат ва бутун Марказий Осиёнинг нуфузи юксалаётганининг эътирофидир.

Бугунги музокаралар ҳар доимгидек очик, конструктив ва дўстона руҳда ўтгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Давлат раҳбарлари икки томонлама кун тартибидаги долзарб масалаларнинг барча жабҳаларини атрофлича муҳокама қилдилар. Бош вазир ўринбосарларининг савдо-иқтисодий соҳадаги аниқ режаларни ўз ичига олган ахборотларини тингладилар.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши саммитнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Ушбу ҳужжат икки томонлама шерикликни давлатлараро алоқаларнинг энг юқори даражасига олиб чиқди.

— Энди бизнинг асосий вазифамиз — ҳамкорлигимизни мамлакатларимиз ва халқларимиз тараққиёти ҳамда фаровонлигига хизмат қиладиган янги мазмун, лойиҳа ва ташаббуслар билан бойитиш, — деди давлатимиз раҳбари.

Икки давлат Президентлари раислигида Давлатлараро кенгашни тузиш бўйича келишувга эришилди. Бу иттифоқчилик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ҳамкорлиkning узоқ муддатли устувор йўналишларини белгилашнинг асосий механизми бўлади.

Шу билан бирга, томонлар бундан буён ҳам сиёсий мулоқотни ривожлантириш, минтақавий ва халқаро майдонларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш ва позицияларни яқиндан мувофиқлаштиришга тайёр эканлигини тасдиқладилар.

Янги иқтисодий кун тартибини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 10 баробарга ошиб, ўтган йил якуни билан 1,2 миллиард доллардан зиёдни ташкил қилди. Жадал ўсиш суръатлари сақланиб қолаётганини инобатга олиб, ушбу кўрсаткични 3 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди.

Етакчилар саноат кооперациясининг янги ўсиш нуқталарини, энг аввало, икки мамлакат иқтисодийлари бир-бирини тўлдирувчи соҳаларда яратишга алоҳида тўхталдилар.

Бу борада кунни кеча бўлиб ўтган бизнес форуми доирасида энергетика, электро-техника, фармацевтика, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик соҳаларида янги лойиҳалар келишилди. Шунингдек, ҳомашё ресурсларини биргаликда қазиб олиш бўйича аниқ режалар белгиланди.

Бундай лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун қўшма Тараққиёт фонди салоҳиятидан самарали фойдаланилади.

Икки мамлакатнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиги ва транзит салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш ишлари жадал давом этаётгани қайд этилди.

Мазкур темир йўли бўйлаб савдо-логистика инфратузилмасини биргаликда ривожлантириш, савдо ва транспорт жараёнларига рақамли ечимларни фаол жорий этиш, автоташувчилар учун қулай шароитлар яратишга келишиб олинди.

Сув-энергетика соҳасидаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Трансчегаравий сув ресурсларидан оқилана фойдаланиш соҳасида конструктив ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлик тасдиқланди. Қамбарота ГЭС-1ни қуриш тўғрисидаги битимни имзолаш жараёни тезлаштирилди.

Икки мамлакат ҳудудларининг салоҳиятидан фаол фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Йил якунига қадар Ўзбекистонда янги форматдаги биринчи Худудлар форуми ўтказилди.

Маданият, таълим, илм-фан, ёшлар сиёсати ва туризм соҳаларида фаол алмашинувларни давом эттиришга тайёрлик тасдиқланди.

Етакчилар Марказий Осиёда барқарор ривожланиш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалаларини ҳам атрофлича муҳокама қилдилар.

Яқунда Президент Шавкат Мирзиёев ушбу саммитда эришилган келишувлар қардош халқлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Чўпонота шаҳрига ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарлари билан биргаликда Қирғизистондаги илк халқаро тоифадаги гольф клубининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.

Етакчилар бу ерда барпо этилган замонавий спорт ва туризм инфратузилмаси билан танишдилар. Янги мажмуа гольфни оммалаштириш, спорт туризмни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Давлат раҳбарлари қардош Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва халқини янги объектнинг очилиши билан табриклаб, мамлакатнинг туризм салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган кенг қўламли лойиҳаларни амалга оширишда муваффақиятлар тиладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.



МАРКАЗИЙ ОСИЁ БИРДАМЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА МУҲИМ ҚАДАМ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга давлат ташрифи нафақат икки қардош ва қўшни мамлакат ўртасидаги алоқалар, балки бутун минтақа учун катта аҳамиятга эга воқеа экани билан ҳам тарихдан жой олади.

Ташриф доирасида томонлар чегараолди ҳамкорлиги, сув ресурсларини бошқариш, инфратузилма, туризм, таълим ва бошқа соҳаларга оид 10 дан зиёд ҳужжатни имзоладилар.

Табиийи, энг муҳим воқеа Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси Президентлари томонидан икки давлат ўртасида

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши бўлди. Мазкур ҳужжат Тошкент ва Бишкек ўртасидаги муносабатларни Ўзбекистоннинг Қозоғистон, Тожикистон ва Озарбайжон билан муносабатларига тенг бўлган иттифоқчилик даражасига кўтарди.

Давоми 2-бетда



“Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” янги бино ёки обод кўча эмас, инсон яшайдиган, ишлайдиган, таълим оладиган ва муаммосини ҳал қиладиган яхлит муҳитдир. Меъморий тартиб инфратузилма, тадбиркорлик, ижтимоий хизмат ва жамоат маконлари билан бир дастурда қурилса, ташқи қиёфа ички мазмунга эга бўлади.

(Иккинчи мақола)

Ташқи кўринишдан ички мазмунга

Маҳалла маркази, кутубхона, тиббиёт пункти, касб ва спорт инфратузилмаси инсон ҳаётига хизмат қиладиган ягона тизим бўлиши керак. Туман марказида ҳал қилинган масала маҳалланинг ўзида ечим топса, вақт тежалади ва ишонч ортади. Халқчилик учун замонавий бионинг

ўзи эмас, мулоқотга тайёр ходим, аниқ хизмат ва тушунарли қарор зарур.

Янги қиёфа миллий хотира ва замонавийликни бирлаштиради. Кутубхона, хонарамандлик ва кеска аълод тажрибаси маҳаллани маданий хотира маконига айлантиради. Миллий қадрият ёшнинг билими, аёлининг меҳнати, ноғиронлиги бўлган шахснинг тенг иштироки ва кесканинг муносиб хизмат олиши билан уйғунлашсагина жамиятни бирлаштиради.

Давоми 3-бетда

2026 йил 31 июль, 154-сон



“КЕЛАЖАК ЎЙИНЛАРИ”: ЗАМОНАВИЙ ФИКРЛАШНИ ТАРҒИБ ҚИЛУВЧИ ХАЛҚАРО ПЛАТФОРМА



Аксавли ТУМИШОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Президентимизнинг Остона шахрига амалий ташрифи ва “Келажақ ўйинлари” III халқаро мусобақасининг очилиш маросимида иштирок этгани ана шу изчил ҳамкорликнинг яна бир муҳим кўриниши бўлди. Мазкур таширф икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш баробарида Марказий Осиёда инновацион тараққиёт ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлиқни янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ҳозир дунёда рақобатнинг асосий мезони табиий бойликлар эмас, балки билим, инновация ва юқори технологиялардир. Шу нуқтаи назардан, “Келажақ ўйинлари” оддий спорт мусобақаси эмас, балки интеллектуал салоҳият, рақамли технологиялар ва замонавий фикрлашни тарғиб қилувчи халқаро платформа сифатида намоён бўлмоқда. Бу ерда жисмоний тайёргарлик билан бир қаторда ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, янгилик ярата оладиган ёшлар салоҳияти юзага чиқади. Бинобарин мусобақаларда Ўзбекистон вакиллари физикал-футбол,

Бугун Марказий Осиё дунё сиёсий ва иқтисодий харитасида тобора муҳим ўрин эгалламоқда. Минтақада ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муҳити мустаҳкамланаётгани барқарор тараққиётнинг асосий омилга айланди. Бу жараёнда Ўзбекистон ва Қозғистон ўртасидаги муносабатлар алоҳида аҳамият касб этади.

лазертаг ва рақс йўналишлари бўйича беллашади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, АТ соҳасини қўллаб-қувватлаш ва инсон капиталига сармоя киритиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Шу боис, давлатимиз раҳбарининг мазкур халқаро тадбирда қатнашгани мамлакатимиздаги ислохотларни халқаро ҳамжамият эътирофи эътиборининг амалий ифодаси сифатида ҳам баҳоланади.

Этиборли жиҳати шундаки, бундай нуфузли тадбирлар давлатлар ўртасидаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш билан бирга ёшлар, илм-фан, таълим ва инновациялар соҳасида янги ҳамкорлик имкониятларини очади. Бу эса Марказий Осиёнинг рақобатбардош ва технологик тараққиё этган минтақа сифатида шаклланишга хизмат қилади.

Остонадаги “Келажақ ўйинлари” ва Президентимизнинг ушбу мусобақадаги иштироки Ўзбекистон ташқи сиёсатининг замонавий мазмунга эга эканини яна бир бор намоён этди. Мамлакатимиз бугун нафақат минтақавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш, балки инновациялар, рақамли технологиялар ва инсон капиталига таянган тараққиёт моделини қўллаб-қувватлаш орқали Марказий Осиёнинг келажагини биргаликда барпо этишга муносиб ҳисса қўшмоқда.



Йохан ЭНГВАЛД,
Швеция хавфсизлик ва тараққиёт институти катта таҳлилчиси, Марказий Осиё бўйича эксперт

Бошланиши 1-бетда

Янги шартнома 2017 йил 5 октябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғиз Республикаси ўртасида стратегик шериклик, дўстлик, яхши қўшничилик ва ишонччи мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация билан бошланган ижобий ўзгаришларни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Тарихга мурожаат қилсак, қарийб 9 йил аввал имзоланган ушбу декларация Ўзбекистон етакчиси томонидан қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилаш ва конструктив ҳамкорлиқни ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегиянинг дастлабки ифодаларидан бири эди.

Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги иттифоқчилик келишуви узоқ давр мобайнида Марказий Осиёдаги энг



Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги муносабатлар кейинги йилларда ниҳоятда изчил ва барқарор ривожланди. Бу Марказий Осиёдаги энг муваффақиятли сиёсий яқинлашув намуналаридан бири сифатида эътироф этиляпти. Буни имзоланган ҳужжатлар ёки ўтказилган учрашувлар сони билан чамалаб бўлмайди.

Зеро, бугун давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги мазмун билан бойимокда. Кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг қатъий сиёсий иродаси ва очиқ мулоқоти натижасида яхши қўшничилик, дўстлик ва стратегик шериклик алоқалари изчил ривожланиб, амалий натижалар бермоқда.

Аммо асосий ўзгариш бошқа. Жумладан, икки томонлама муносабатларнинг охириги ўн йиллигини қиёслайдиган бўлсак, бу ўзгаришлар фақат эришилган натижалар, рақамларда эмас, аксинча, ўзгаришлар муҳокама қилинаётган масалаларнинг табиятида.

Масалан, яқин ўтмишда икки мамлакат ўртасидаги мулоқотларнинг асосий мавзуси бахсли, муаммолли масалалар бўлган. Яқин-яқингача минтақа кўпроқ ечимини кутаётган муаммолар билан тилга олинарди. Давлат чегаралари, сув ресурслари, транспорт алоқалари, савдо чекловлари — буларнинг барчаси минтақанинг улкан салохиятини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўқсинлик қиларди. Бугун эса музокаралар равиши умуман бошқача тус олди.

Бурилиш нуқтаси 2017 йилда юз берди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини йўлга



Шокир ҒАФҒОРОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

қўйиш ташаббусини илгари сурди. Мазкур ташаббуснинг моҳияти оддий, бироқ стратегик эди: минтақа тақдирига дахлдор масалаларни очиқ мулоқот ва ўзаро ишонч руҳида биргаликда муҳокама қилиш. Энг асосийси, бугун ушбу форматдаги учрашувлар минтақанинг стратегик кун тартибни белгилайдиган асосий майдонга айланди.

Сўнгги йилларда икки томонлама ҳамкорлиқнинг деярли барча йўналишида барқарор мулоқот ва ҳамкорлик механизмлари шакллантирилди. Ҳукуматлараро комиссиянинг 12 та йигилиши муваффақиятли ўтказилди. Парламентлараро комиссия самарали фаолият юритяпти. Худудлар, экспертлар ҳамжамияти ҳамда ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар ҳам тобора кенгайиб борапти.

Жорий йил 15-16 май кунлари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти ва Қирғиз Республикаси Ёш парламентарийлари биринчи форуми бўлиб ўтди.

Булар ташқи томондан оддий, институционал ишдек кўриниши мумкин. Аслида, айнан мана шундай тизимли мулоқот сиёсий қарорларни узоқ муддатли ва барқарор шериклик тизимига айлантиради. Худди шу таъминли иқтисодий ҳамкорликда ҳам яққол намоён бўляпти.

Сўнгги йилларда икки томонлама ҳамкорлиқнинг деярли барча йўналишида барқарор мулоқот ва ҳамкорлик механизмлари шакллантирилди. Ҳукуматлараро комиссиянинг 12 та йигилиши муваффақиятли ўтказилди. Парламентлараро комиссия самарали фаолият юритяпти. Худудлар, экспертлар ҳамжамияти ҳамда ишбилармон доиралар ўртасидаги алоқалар ҳам тобора кенгайиб борапти.

Шу маънода, ўтган йили 31 март кунини Хўжанд шаҳрида уч давлатнинг давлат чегаралари туташган нуқта тўғрисидаги шартноманинг Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарлари томонидан имзолангани тарихий воқеа бўлди. Бу Марказий Осиёда ўзаро ишончнинг янги сиёсий маданияти шаклланаётганининг ёрқин ифодаси эди. Ушбу ҳужжат, шунингдек, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш, бутун минтақанинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётир. Тантанали равишда

очилган Дўстлик стеласи эса мамлакатларимиз ўртасида мустаҳкамланиб бораётган яхши қўшничилик, ишонч ва стратегик шериклик муносабатларининг янги рамзига айланди.

2016 йилда ўзаро савдо айланмаси 167,5 миллион долларни ташкил этган бўлса, 2025 йил якунларига қўра, бу кўрсаткич 1,2 миллиард долларга етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо ҳамжи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан яна 45 фоиз ошди.



Иқтисодчилар узоқ йиллардан буён бир ҳақиқатни таъкидлайди: капитал эртанги кунга ишонч бор жойга йўналтирилади. Шу боис, бу рақамлар ортида фақат савдо ҳажмининг ўсиши эмас, балки янги корхоналар, қўшма ишлаб чиқариш лойиҳалари, янги иш ўринлари ва инвестициялар турибди. Уларнинг барчаси, аввало, кучли сиёсий ирода ва ўзаро ишончнинг амалий натижаси.

Сув ресурслари соҳасидаги ҳамкорлик ҳам ана шундан кам бўлмаган суъратда ривожланипти. Сув ҳўжалиги бўйича қўшма комиссия бугунга қадар 8 та йигилиш ўтказди. Марказий Осиё учун сув ҳар доим энг нозик ва долзарб масалалардан бўлиб келган. Бугун эса ушбу масаланинг тобора кўпроқ сиёсий қарама-қаршиликлар эмас, балки профессионал ҳамкорлик ва амалий мулоқот майдонига айланаётгани самара бермоқда.



Аммо яна бир омил бор. Уни на статистик маълумотлар ёки иқтисодий кўрсаткичлар ва на имзоланган битимлар сони билан ўлчаб бўлади. Бу — инсонлар. Давлатлар ўртасидаги энг мустақам кўприклар ҳукуматлар эмас, аввало, одамлар томонидан қурилади. Асрлар давомида ўзбек ва қирғиз халқларини умумий тарих, муштарак қадриятлар, қариндошлик ришталари, маданият ва урф-одатлар боғлаб келган.

Бугун давлат ана шу табиий ақиллиқни янгича мазмун билан бойитяпти. Миллий маданият марказлари фаолият юритяпти, мактаблар ишқалари, қўшма гуманитар лойиҳалар амалга ошириляпти. Аслида, янги ришталар яратилаётгани йўқ, йиллар давомида шаклланган яқинлик замонавий ҳамкорлик билан мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 30 июль — 1 август кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлиши давлатлар ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ўзаро савдо ҳамжиини ошириш, саноат кооперациясини кенгайтириш, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлиқни ҳамда маданий-гуманитар алмашинувларни ривожлантириш борасидаги ишларни янги bosқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ташриф дастурига мувофиқ, Президентимиз Марказий Осиё ва Озарбайжон давлат раҳбарларининг норасмий Маслаҳат учрашуви ва бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши кўзда тутилган. Унда минтақавий хавфсизликни таъминлаш, транспорт йўлакларини ривожлантириш, савдо, саноат кооперацияларини янада яхшилаш борасида муҳим мулоқотлар бўлиб ўтиши кутиляпти.

МАҲАЛЛА ФЕНОМЕНИ: ТАРИХ, ИСЛОҲОТ ва ЮКСАЛИШ МУТАНОСИБЛИГИ



Наим ОБЛОМУРДОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла ҳар куни ўзини қайта исботлаши керак. Бинонинг очилиши бир кунлик тантана, аммо унинг қутубонасида болалар ўқиши, марказида ишсизлар касб ўрганиши, тиббиёт пунктида аҳоли хизмат олиши — узоқ муддатли натижа. Ободликни сақлаб қолиш уни яратишдан кам эмас.

Илмий асослантириш — янги институтнинг вазифаси

Маҳалла тизимига юкланган вазифалар кўпайгани сари уни илмий ўрганишга эҳтиёж ҳам ортмоқда. Қайси маҳаллада қайси усул ишлайди? Камбағалликдан чиққан оиаллар икки йилдан кейин яна қийин аҳволга тушма-яптими? Молиявий мустақиллик тенгсизликни кучайтирмаяптими? Рақамли платформада қайси тоифадаги фуқаролар камроқ кўринаётир? Бу саволларга фақат ҳисобот билан жавоб бери бўлмайди.

2026 йил 16 июлда Маҳаллани ривожлантириш миллий институтини ташкил этиб, “маҳалла еттилиги”ни ўқитиш ва муаммоларга илмий ечим ишлаб чиқиш белгиланди. Ижтимоий муҳит, тозалик ва даромадга қаратилган лойиҳалар учун ҳар бир “еттилик”ка 10 миллион сўмдан грант, жами 240 миллиард сўм ресурслар ажратилади. Институт натижани маблағ ўзлаштирилиши билан эмас, аҳоли фаровонлиги ва такрорлаш мумкин бўлган методика асосида баҳолаши керак.

Институтнинг вазифаси маҳаллаларга юқоридан тайёр рецетп тарқатиш эмас. У ҳудудларни ўрганиб, турли моделларни солиштириши, маҳалла раиси ва “еттилик” аъзолари учун амалий методикалар ишлаб чиқиши, ижтимоий таъсири баҳолаши лозим. Университетлар, илмий марказлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик шу жараённинг муҳим қисми бўлади.

Тадқиқотда фуқаронинг овози биринчи ўринда туриши керак. Маҳалладаги ўзгаришни жадалда эмас, одамларнинг ҳаёт тажрибасидан ўрганиш зарур. Бир оилга берилган ёрдам унинг ўзини қадрлашини оширдими? Ёшлар маркази ҳақиқатан ёшларникими? Қутубонадан кимлар қўйлашяпти? Маҳалла раисига мурожаат қилиш осонлашди? Илмий ёндашув шу оддий саволларни катта сиебат билан боғлайди.

Маҳалла тизимида касбий тайёргарлик шунга мос ўзгариши лозим. Ходим ҳуқуқини, мулоқотини, медиаторликни, ижтимоий ишни, маълумотлар билан ишлашни ва маҳаллий иқтисодиётни билиши керак. Қисқа курслардан ташқари, тажриба алмашиш, устоз-шогирд тизими ва мустақил баҳолаш механизмлари йўлга қўйилса, институтнинг салоҳияти ортади.

Ҳисобдорлик ва жамоатчилик назорати: ишончнинг шартлари

Маҳаллада ислохотларнинг муваффақиятини фақат ажратилган маблағ ёки қурилган объектлар сони билан баҳолаб бўлмайди. Одамлар қарор қабул қилиш жараёнини тушунади? Маблағ қаерга сарфланаётганини билади? Мурожаатига берилган жавобдан қониқади? Институтга ишонч шу саволларга берилган жавоблардан шаклланади.

Жамоатчилик назоратини айб излаш жараёни деб тушуниш нотўғри. У қарордан олдин эҳтиёжни аниқлаш, жараён давомида маълумот олиш ва натижадан кейин баҳолаш маданийтидир. Маҳалла бюджети, ободонлаштириш лойиҳаси, иш ўрни яратиш дастури ёки ижтимоий ёрдам ҳақида аҳолига оддий тилда

маълумот берилса, фуқаро томошабин эмас, шерикка айланади.

Маҳалла раиси ва “еттилик” аъзолари учун ҳисобдорликнинг энг муҳим шакли — аҳоли билан очиқ мулоқот. Лекин мулоқот фақат йнгилиш ва тадбирдан иборат эмас. Қарорнинг сабаби, аҳоли ошириш муддати, масъули ва кечикиш ҳолати тушунтирилиши керак. Бажарилмаган ваъдани яшириш ишончни емиради, кечикиш сабабини очиқ айтиш эса, аксинча, масъулиятни оширади.

Ҳисобдорлик юқори идораларга тақдим этиладиган ҳисобот билан чекланмаслиги шарт. Маҳалла уюшмаси, ҳокимлик ва вазирликлар аҳоли баҳосини эшитиши керак. Бунинг учун мустақил сўровлар, очиқ маълумотлар, маҳаллий кенгаш муҳокамаси ва журналистик мониторинг зарур. Маҳалла ҳақидаги ҳақиқий мақола ҳам ана шу назоратнинг бир шаклидир: у ютуқни кўрсатади, аммо муаммони яширмайди.

Ривожланиш муаммоларни тан олишдан бошланади

Маҳалла ислохотларида ютуқлар билан бирга ҳал қилиниши зарур бўлган масалалар бор. Биринчидан — вазифалар кўпайиши билан ресурслар ва кадрнинг бир хил сўрытада ошмаслиги. Маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ёки ижтимоий ҳодимга кўп вазифа юкланса, уларнинг ҳар бир ишни сифатли бажариши қийинлашади. Шунинг учун ваколат билан бирга вақт, мутахассис, транспорт, маълумот ва ҳуқуқий ҳимоя ҳам берилмоғи керак.

Иккинчидан — маҳалла автономияси билан маъмурий вертикал ўртасидаги муносабат. Маҳалла давлат топширигини бажариши мумкин, аммо давлат идорасининг кўпи кабинетига айланмаслиги керак. Конституцияда белгиланган ўзини ўзи бошқариш принципи амалиётда ҳам сезилиши учун маҳалла аҳолиси қарор муҳокамасида ҳақиқий таъсирга эга бўлиши зарур.

Учинчидан — рақамлаштириш ва инсон мулоқоти ўртасидаги муносабат. Электрон платформа ишни тезлаштиради, аммо телефон, интернет ёки рақамли саводхонлиги йўқ фуқарони четда қолдириши мумкин. Рақамли хизматнинг адолатли бўлиши учун унинг офлайн муқобили ҳам мавжуд бўлиши шарт.



Тўртинчидан — ҳудудлар ўртасидаги фарқ. Чиройли шаҳар маҳалласидаги муаммо билан олис овулдаги муаммо бир хил эмас. Маҳалла сиесати дифференциал бўлмаса, “бир хил стандарт” баъзи жойда самарали, баъзи жойда ортқча харажатли, яна бир жойда эса етарсиз бўлиб қолади.

Бешинчидан — жамоа босими ва шахсий ҳуқуқлар. Маҳалла яқинлик ва ишонч муҳити бўлиши керак, аммо инсоннинг шахсий ҳаёти, танлови ва қонуний ҳуқуқи ҳимоясиз қолмаслиги лозим. Профилактика, ижтимоий ёрдам ва оилавий масалаларда профессионал хизматлар билан ҳамкорлик шунинг учун зарур.

2026 йили давлат дастурида маҳаллада бир миллион кишини иш билан таъминлаш, 181 мианг оилани камбағалликдан чиқариш, “огир” ҳудудларга катта инфратузилма маблағлари йўналтириш каби вазифалар белгиланган. Бу мақсадлар катта кўринади, аммо уларнинг амалий мазмуни ҳар бир маҳаллада алоҳида ҳисобланади.

Бир маҳаллада иш ўрни иссиқхона, бошқасида ҳунармандчилик, учинчисида хизмат кўрсатиш, тўртинчисида логистика ёки қайта ишлаш бўлиши мумкин. Демак, иқтисодий ўсишнинг ягона модели йўқ. Маҳалла мутахассислари ҳудуднинг табиий, демографик ва маданий ресурсларини бирлаштира олса, дастурлар ҳаётий бўлади.

Инфратузилмага ажратиладиган маблағ натижа занжирин билан боғланиши керак. Сув тармоғи қурилди — санитария яхшиландими? Йўл асфальтланди — мактаб ва тиббиёт хизматига етиш осонлашди? Электр тармоғи янгиланди — ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик учун янги имконият пайдо бўлди? Ҳар бир



сармоа унинг ижтимоий таъсири билан баҳола-ниши лозим.

Бундай ёндашув давлат бюджети учун ҳам, маҳалла ишончи учун ҳам муҳим. Маблагнинг кўпллиги эмас, унинг аниқ мақсадга хизмат қилиши, очиқ сарфланиши ва сақланиши устувор бўлади. Маҳалла тараққиётида “қурдик” деган феълдан “ишлапти”, “даромад берапти”, “хавфсизлики оширяпти” деган натижа феъл-ларига ўтиш вақти келди.

Муаллифлик мулоҳазаси: маҳалла ободлиги нимага қараб баҳоланади?

Назаримда, маҳалла ислохотларини баҳолаш учун бешта мезонни доим ёдда тутиш керак. Биринчидан — инсонга яқинлик: фуқаро ўз муаммосини қаерга айтиши ва жавобни қанча вақтда олиши аниқ бўлсин. Иккинчидан —



манзиллик: ёрдам ва хизмат ҳақиқий эҳтиёжга қараб берилсин. Учинчидан — иқтисодий натижа: кредит, касб ва лойиҳа оила даромади-га таъсир қилсин.

Тўртинчи мезон — жамоатчилик иштироки. Аҳоли қарорда ўз овозини кўрса, маҳалла бюджети ва ободонлаштириш умумий ишга айланади. Бешинчи мезон — барқарорлик. Лойиҳа очилган куни эмас, бир-икки йилдан кейин ҳам ишласа, у ҳақиқий натижа ҳисобланади.

Бу мезонлар ҳисоботни инкор қилмайди, уни мазмун билан тўлдирди. Ишга жойлашганлар соиндан ташқари ишнинг доимийлиги, даромаднинг адолатлилиги ва оила шароити баҳоланмаса, рақам ортидаги инсон кўринмай қолади.

Шунинг учун маҳалла ҳақидаги давлат сие-сатида журналистик кузатув, илмий таҳлил ва жамоатчилик фикри бир-бирини тўлдирishi керак. Журналист муаммонинг инсон қиёфасини кўрсатади, олим унинг сабабини тушунтиради, сиесатчи ечим учун қарор қабул қилади. Уларнинг мулоқоти узилмаса, маҳалла ислохоти шпор эмас, жамиятнинг ўзгариш тажриба-сига айланади.

Маҳалла ҳақидаги қадимий тасаввур бугун янги мазмун билан тўлмоқда. У энди фақат қўшничилик, ҳашар ва маросимлар макони эмас. Маҳалла ижтимоий ҳимоя, бандлик, тадбиркорлик, хавфсизлик, таълим, маърифат, рақамли хизмат ва жамоатчилик назорати бир нуктада кесилмадиган ҳудуддир.

Янги Ўзбекистонда маҳаллага берилаётган эътиборнинг кўлами унинг вазифалари кенгайганида эмас, давлат ва жамият муноса-бати қайта қурилаётганида кўринади. Инсон

(Иккинчи мақола)



идорама-идора юрмайдиган, хизмат унга яқинлашадиган, ёш ўз маҳалласида касб ва даромад топадиган, аёл меҳнати қадрланмадиган, кекса инсон ўзини ёлғиз ҳис қилмайдиган муҳит ис-лохотларнинг энг катта натижасидир.

Маҳалла ободлиги тозаликдан бошланади, аммо ишонч, адолат ва имконият билан му-ҳитни эса одамлар яратади. Рақамли платфома-нинг ишончини инсон мулоқоти, ажратилган маблагнинг самарасини очиқ қарор таъминлай-ди.

Шунинг учун 2026 йил маҳалла фалсафа-сини амалиётга айлантириш йилдир. Жамият юксалиши ҳар бир маҳалладаги кичик, аммо ҳақиқий ўзгаришдан бошланади: маҳалла ўз-гарса — ҳаёт, ҳаёт ўзгарса — давлатга ишонч мустаҳкамланади.

Эшиқдан эшикка эмас, инсонга яқин тизим

Давлат хизматларининг маҳаллага яқинла-шиши ислохотларнинг энг сезиларли натижа-ларидан биридир. Илгари оддий маълумотно-ма, нафақа ёки имтиёз учун бир неча идорага бориш, навбат кутиш ва турли ҳужжатларни йнгиш талаб этиларди. Бугун ижтимоий ҳодим, маҳалла раиси ва бошқа мутаассадилар орқали фуқаронинг ҳолати бир жойда ўрганилиши, му-рожаатнинг маъсулга етказилиши ва натижаси кузатилиши мумкин. Бу қўлайлиқнинг қийма-ти вақт ва асаб тежалаштириш эмас, инсон ўзи-ни давлатдан узоқ эмас, унинг эътиборида ҳис қилганида кўринади.

“Фуқаро келсин” қарашидан “хизмат фуқарога борсин” тамойилига ўтишмоқда. “Маҳалла еттилиги” ҳозир 100 га яқин хиз-мат кўрсатмоқда, барча давлат хизматлари-ни босқичма-босқич маҳаллага тушириш, йил якунигача ногиронлиқни эрта аниқлаш, уй-жойни мослаштириш ва ижтимоий уйга жойлаштириш каби 25 турдаги хизматни таш-кил этиш белгиланди. Натижа хизматлар сони эмас, фуқаронинг овозгарчилиги, сифат ва шикоят имконияти билан ўлчанади.

Бироқ хизматни маҳаллага тушириш масъ-улиятини фақат кўйи бўғинга юклаш дегани эмас. Маҳалла мутахассиси юқори идоралар-дан тезкор жавоб, аниқ регламент ва ҳуқуқий кўмак олиши керак. Агар мурожаат маҳаллада қабул қилинмай, лекин уни ҳал қилмадиган ва-қолат бошқа идорада қолса, фуқаро яна сар-сон бўлади. Шу боис, вертикал ва горизонтал алоқа, электрон кузатув ва шахсий мулоқот бир вақтда ишлаши зарур.

Давлат хизмати маҳаллада сифатли бўли-ши учун ҳодимнинг муомала маданияти ҳам муҳим. Қонуни билиш етарли эмас, инсон-нинг вазиятини эшитиш, уни камситмаслик, муаммони содда тилда тушунтириш ва бажа-риш мумкин бўлмаган ваъдани бермаслик ке-рак. Халқчил маҳалла, аввало, шу ерда — фуқа-ро билан гап-лашиш услубида намён бўлади.

Ободликнинг кўринмайдиган томони

Маҳалла ободлиги фақат кўча ва бино қиё-фаси эмас. Одамларнинг муносабати, ёшлар-нинг китобга қизиқиши, кексанинг қадр то-пиши ва оилавий низоонинг муроса билан ҳал қилиниши — унинг кўринмайдиган қатлами. Қутубонага ихтиёрий келётган бола ёки қўшни кексанинг ҳолидан хабар олаётган ёш маънавий муҳит ўзгараётганининг ҳаққоний белгисидир.

Маҳалла маданий хотирани сақлайди: ҳунармандлик, миллий таомлар, оилавий

маросимлар ва кекса авлод тажрибаси шу муҳитда узатилади. Бу мерос музейда муз-лаб қолмай, замонавий иқтисодиёт ва таълим билан уйғунлашиши керак. Ҳунарнинг оила даромадига, устоз-шогирд аънасанининг янги касбга айланиши маданият ҳам иқтисодий, ҳам тарбиявий ресурс эканини кўрсатади.

Маънавий муҳитни тадбирлар сони билан ўлчаб бўлмайди. Ҳар ой ўтказиладиган йнги-лишлар эмас, ёшларнинг китобга қайтиши, қўшниларнинг кексалар ҳолидан хабар олиши, оилада ўзравонликка бефарқ бўлмаслик, ноги-рон инсонни жамоннинг тенг аъзоси сифатида қабул қилиш — ҳақиқий натижа шу. Маҳал-ла фаоллари ана шу нозик жараёнларни кўра олиши, уларни расмий ҳисоботида айлантириб юбормаслиги лозим.

Янги Ўзбекистонда маънавият ва ободлик бир-бириндан ажралмас тушунчаларга айлан-моқда. Чиройли бино одамни тарбияламайди, аммо унда ташкил этилган кутубхона, касб маркази, ёшлар клуби ва очиқ мулоқот муҳити жамиятни ўзгартиради. Маҳалланинг юксали-ши кўзга кўринган иншоотдан кўра, инсонлар ўртасидаги муносабатнинг яхшиланиши билан узоқ яшайди.

Маҳалла ўзини ўзи бошқара оладими?

Маҳалла олдига қўйилаётган вазифалар кенгайтигани сари унинг ўзини ўзи бошқариш салоҳияти ҳақидаги масала ҳам дозларб бўл-моқда. Агар маҳалла фақат юқоридан тушган вазифаларни бажарса, у ижтимоий институт эмас, маъмурий ижрочи бўлиб қолади. Агар у қарор қабул қилиш, ресурсни устуворлашти-риш ва натижани баҳолашда аҳоли билан бирга ҳаракат қилса, ўзини ўзи бошқариш мазмуни амалий тус олади.

Бунинг учун маҳалла йнгиининг фикри расмий маросим эмас, реал қарор жараёни бўли-ши керак. Аҳоли қайси лойиҳани танлаши, қайси оилга қандай қасб берилиши, қайси муаммо биринчи навбатда ҳал қилиниши ҳақида фикр билдириши лозим. Шу билан бирга, қарор қабул қилган жамоа унинг натижаси учун ҳам масъули-ят олади. Ўзини ўзи бошқариш фақат ҳуқуқ эмас, жавобгарлик маданиятидир.

Маҳалла уюшмаси, ҳокимликлар ва респу-блика идоралари бу жараёни қўллаб-қувват-лаши, аммо унинг ўрнини босмаслиги керак. Уюшма тажриба ва ресурсни бирлаштиради, маҳалла эса ўз ҳудудининг реал эҳтиёжини би-лади. Ҳар икки даража ўртасидаги муносабат бўйруқ ва ҳисобот эмас, шерикликка қурилса, тизим барқарор бўлади.

Маҳалланинг келажати унинг қанча вазифа-ни қабул қилиши билан эмас, аҳолини қарорга қанчалик шерик қила олиши билан белгила-нади. Давлат қудрати марказдаги қарорнинг маҳаллагача етиб боришида, жамият қудрати эса маҳаллагаги ташаббуснинг давлат сие-сати таъсир қила олишида намён бўлади. Бу икки ҳаракат бир-бирини тўлдиргандагина маҳалла ҳақиқий тараққиёт таъянигча айланади.

Қонун устуворлиги ва жавобгарлик

Маҳалла тизимидаги ҳар бир янгилик ҳуқуқий асос билан мустаҳкамланмаса, у бир муддатдан кейин шахсий ташаббусга ёки маъ-мурий топшириққа боғланиб қолиши мумкин. Шунинг учун Конституциядаги ўзини ўзи бошқариш қоидаси, фуқаролар йнгини тўғри-сидати қонунлар, маҳалла раиси ва “еттилик” вазифаларини белгилайдиган ҳужжатлар ўзаро уйғун ишлаши зарур.

овозини сусайтирмаслиги керак. Бир ҳудуд-да муваффақиятли ишлаган усул бошқасида ишламаслиги мумкин. Тажриба умумлашти-рилади, лекин ҳудудий шарт-шароит инobatта олинади.

Шу жиҳатдан маҳалла ислохоти бир йиллик дастур эмас. У давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти ва жамоа масъулиятни ўртасидаги му-носабатларни узоқ муддатда қайта шакллан-тирадиган жараёндир. Қонун қучли, институт очиқ ва масъулият аниқ бўлсагина бу жараён барқарор натижа беради.

Очиқ мулоқот — ишонч манбаи

Маҳалла ислохотларининг энг ишончли кўрсаткичи аҳоли билан очиқ мулоқотдир. Одамлар ўз муаммосини бемалол айта олса, жавобнинг муддати ва натижа аниқ бўлса, ҳатто муаммо дарҳол ҳал этилмаган тақдирда ҳам ишонч сақланади. Аксинча, чиройли ҳи-собот ва бажарилмаган ваъда ўртасидаги фарқ жамоада бефарқлик пайдо қилади.

Очиқ мулоқот савол-жавоб йнгилиши билан чекланмаслиги керак. У қарор қабул қилиш-дан олдин эҳтиёжни аниқлаш, иш жараёнида аҳолига маълумот бериш ва натижадан кейин баҳолашни қамраб олади. Маҳаллада йўл таъ-мири режалаштирилса, аҳоли унинг муддати ва сифат талабини билиши, маҳалла бюджети шаклланса, тушум ва харажатлар очиқ бўлиши, ижтимоий ёрдам берилса, унинг мезони тушу-нарли бўлиши керак.

Журналистик материаллар рақамлар орти-даги инсонни кўрсатиб, муаммони яширмасдан ечим излаш, масъул фикри билан аҳоли ово-зини ёнма-ён бериши лозим. Оммавий ахборот воситаси ютуқни ёритиш билан бирга натижа-ни ҳолис текширади, жамиятдаги мулоқот мада-нияти юксалиди.

Маҳалладаги очиқ мулоқот давлатга ишон-чи пастдан юқорига қараб мустаҳкамлайди. Инсон ўз фикри эшитилаётганини, саволи жа-вобсиз қолмаётганини ва қарорда унинг ман-фаати ҳисобга олинмаётганини кўрса, ислохот-ни ўзининг иши деб қабул қилади. Жамият юксалишининг энг мустаҳкам пойдевори ҳам шу — одамнинг ўзгаришга ишониши ва унда иштирок этиши.

Хулоса

“Маҳалла барқарорлиги ва фаровонлиги индекси”ни жорий этиш. Маҳалла фаолияти-ни тадбирлар ва ажратилган маблағлар сони билан эмас, барқарор бандлик, оила даромади, инфратузилма сифати, ижтимоий хизматлар-дан фойдаланиш, хавфсизлик, экологик ҳолат ва аҳоли розилиги асосида баҳолаш лозим. Ин-декс натижаларини очиқ рақамли платформада эълон қилиш ҳамда қўшимча давлат грантла-рини муаммоси огир маҳаллаларга устувор йўналтириш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир маҳалла учун ўз йиллик та-раққиёт дастурини қабул қилиш. Дастурда ҳудуднинг иқтисодий ихтисослашуви, инфра-тузилма эҳтиёжлари, иш ўрнилари, ижтимоий муаммолар, молиялаштириш манбалари, масъул ташкилотлар ва аниқ натижа кўрсат-кичлари белгиланиши керак. Ҳужжат аҳоли йнгиинида муҳокама қилиниб, маҳаллий кенгаш томонидан тасдиқланиши, уни молиялашти-ришда маҳалла жамғармаси, маҳаллий бюджет, ташаббусли бюджет, банк кредитлари ва ҳусу-сий инвестициялар бирлаштирилиши лозим.

“Маҳалла еттилиги”ни профессионал тайёрлаш ва сертификатлаш тизимини йўл-га қўйиш. Раис ва “еттилик” аъзолари ҳуқуқ, маҳаллий иқтисодиёт, ижтимоий иш, оилавий медиаторлик, рақамли маълумотлар, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва аҳоли билан мулоқот йўналишларида мунтазам ўқитилиши зарур. Уларнинг фаолияти ҳисоботлар сонига эмас, оиаллар даромади ўсиши, такоррий иш-сизлик камайиши, мурожаатлар ечими ва аҳоли розилигига қараб баҳолалиши керак.

“Бир оила — ягона ижтимоий-иқтисодий йўналиш” механизмининг жорий этиш. Ҳар бир эҳтиёжманд оила учун даромад, бандлик, саломатлик, фарзандлар таълими ва уй-жой шароитини қамраб олган индивидудал режа тизимини лозим. Ижтимоий ҳодим жараёни мувофиқлаштириб, “маҳалла еттилиги” ёрдам, касбга ўқитиш, кредит ва ишга жойлаштириш чораларини бирлаштириши керак. Асосий мезон оилани рўйхатдан чиқариш эмас, уни барқарор даромад ва ижтимоий мустақилликка олиб чиқиш бўлиши шарт.

Маҳаллаларда “яшил ва хавфсиз ҳудуд” дастурини амалга ошириш. Ҳар бир маҳал-лада сув тақчиллиги, энергия таъминоти, чиқиндилар, табиий офатлар, жамоат ва кибер-хавфсизлик бўйича хавфлар харитаси ишлаб чиқилиши керак. Сув ва энергия тежамкор те-хнологиялар, қувиш энергетикаси, қўқаламзор-лаштириш, чиқиндиларни саралаш ва аҳолини фавуқлодда вазиятларга тайёрлаш лойиҳалари маҳалла микроргантлари, имтиёзли “яшил” кредитлар ва давлат-хусусий шериклик асо-сида молиялаштирилиши мақсадга мувофиқ.

Дунёда балиқ махсулотларига талаб ҳам, истеъмол кўрсаткичлари ҳам ошиб борапти. Одамлар аллақачон балиқни фақатгина тансиқ таом эмас, балки кундалик егулик сифатида таомномасига киритган. Шунга яраша ушбу турдаги махсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмлари тобора ортиб, энг даромадли соҳалардан бирига айланди. Қолаверса, балиқчилик озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, одамларнинг гўшт махсулотларига талабини қондиришда муҳим йўналиш ҳисобланади.

Балиқ етиштиришда асосий масала сув таъминотига бориб тақалади. Бугун жаҳон бозорини балиқ махсулотлари билан таъминлаётган йирик давлатлар айнан сув ресурсларига бой эканини кўриш мумкин. Аммо ҳозир қаловини топсанг, қор ҳам ёнадиган даврда яшаёلمиз. Илмий ва замонавий технологиялар орқали муаммоларга ечим топиш мумкин. Балиқчилик ҳам шундай, табиий сув ҳавзалари чекланган шaroитда замонавий интенсивс усулдан фойдаланиб, ҳовузларда балиқ етиштириш аллақачон оммалашиб улгурди.

Ўзбекистон шарoитида 8-9 йил олдин бундай технологияларни эндигина қўллаш бошланганда балиқ етиштириш ҳажми низоҳатда паст эди. Бозорларда балиқ турлари ҳам, сони ҳам кам бўларди, талаб ҳам шунга яраша бўлган. Аҳолининг балиқ истемоли кўрсаткичи ҳақида-ку, айтмасча ҳам бўлади. Аммо балиқчилик тармоғини ривожлантириш бўйича кенг қўллами ислохотлар бошлангач, соҳада замонавий интенсивс технологиялар жорий этилди, тадбиркорларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва молиявий механизмлари шакллантирилди, аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш фаоллашди. Натижада ички бозорларимиз маҳаллийлаштирилган балиқ турлари билан тўлди. Энди экспортни оширишимиз керак.

Бугунги кунда сув ресурслари чекланган бўлишига қарамай, мамлакатимиз Марказий Осиёда балиқ етиштириш бўйича етакчи ўринда турибди. Ўтган йили юртимизда 206 минг тонна балиқ етиштирилди. Аммо бу ҳали етарли эмас. Маълумотларга қўра, агар мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинса,



Ўзбекистон шарoитида бу рақамларни ҳозиргидан беш баробар ошириш имконияти бор. Президентимизнинг жорий йил 2 июлдаги “Балиқчилик тармоғини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан айни йўналишда белгиланган вазифалар бунга йўл очади. Унда асосий эътибор сув

Бугунги кунда сув ресурслари чекланган бўлишига қарамай, мамлакатимиз Марказий Осиёда балиқ етиштириш бўйича етакчи ўринда турибди. Ўтган йили юртимизда 206 минг тонна балиқ етиштирилди. Аммо бу ҳали етарли эмас.



ресурслари чекланган шарoитда балиқчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада ягона бошқарув тизимини жорий этиш, балиқ махсулотлари турларини кўпайтириш, интенсивс технологияларни кенг тартиб қилиш орқали балиқ етиштириш ҳажмини оширишга қаратилган. Тадбиркорлар учун эса қатор имтиёзлар, қўшимча субсидиялар ҳам белгиланганки, бу балиқчилик хўжаликлари фаолиятига катта енгиллик беради. Бундай ҳаракатлар балиқчилик соҳасида қилинаётган энг катта ислохотлардан бири, тармоқда янги босқичга ўтиш даври экани айтилмоқда.

— Шунчаки янги вазифалар белгиланмади, балки балиқчилик соҳасидаги мавжуд муаммоларни аниқ механизмлар асосида ечиб, ҳар бир йўналиши бўйича самарадорлиқни оширишга қаратилган муҳим, таъбир жоиз бўлса, тарихий қадам ташланди, дейиш мумкин, — дея шарҳлайди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси раиси Омон Мусаев. — Яққол исботи, 2026-2027 йиллар балиқчилик тармоғини жадал ривожлантириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш ва интенсивс технологияларни оммалаштиришнинг устувор даври сифатида белгиланмоқда. Бу даврда давлат томонидан соҳага кенг қўллами молиявий, ташкилий ва институционал ёрдам кўрсатилиши назарда тутилган.

Тўғри, кейинги йилларда юртимизда балиқчилик анча ривожланди, иқтисодиётнинг фаол тармоқларидан бирига айланди. Аммо соҳада қатор тизимли муаммолар йўқ эмасди. Фармон билан ана шуларга аниқ ечимлар берилди. Масалан, бутунга қадар соҳада давлат бошқаруви бир нечта идоралар ўртасида тақсимлангани сабабли ягона мувофиқлаштириш механизми шаклланмаган. Сув объектларидан фойдаланиш, уларни ижарага бериш, балиқ етиштириш ҳажмларини мониторинг қилиш, давлат томонидан кўрсатилаётган молиявий ёрдамларни мувофиқлаштириш ва инвестицияларни жалб қилишда ягона ёндашув етишмасди. Бундан ташқари, мавжуд сув ресурсларидан тўлиқ ва самарали фойдаланилмаётгани, интенсивс

Шу боис, биринчи навбатда, балиқчилик соҳасида ягона давлат бошқаруви тизими жорий этилмоқда. Бунинг учун Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Балиқчиликни ривожлантириш маркази ҳамда унинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш белгиланди. Мазкур марказ балиқчилик соҳасини ривожлантириш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи асосий ваколатли ташкилотга айланди. Хусусан, сув объектларидан самарали фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш, давлат қўллаб-қувватлаш чораларини мувофиқлаштириш, мониторинг тизимини юритиш, рақамлаштириш ишларини ташкил этиш ҳамда ҳудудларда балиқчиликни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш янги марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Сув лимитлари ишлаб чиқилади

Балиқчиликда асосий масалалардан бири сув таъминоти, мавжуд сув ресурсларидан тўғри фойдаланишидир. Айниқса, замонавий интенсивс балиқчиликда йил давомида узлуksиз сув етказиб бериш жуда муҳим. Чунки сунъий сув ҳавзалари ҳар доим ҳам табиий қўлларга яқин жойлашмаган ва уларни сув билан тўлдирish умумий тармоққа боғлиқ бўлиб қолади. Амалгётда эса ёз, куз, қиш мавсумида айрим хўжаликларга сув етказиб беришда узлишлар кузатилиб, бу балиқ етиштириш ҳажми ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Ушбу муаммони тизимли ҳал этиш учун қаболатланган сув таъминоти ҳамда сув объектларидан самарали фойдаланишнинг янги механизми жорий этилмоқда. Яъни эндиликда юртимиздаги сув омборлари, коллектор-дренаж тармоқлари ҳамда табиий сув объектлари ягона тизим асосида бошқарилади. Бунда мазкур сув объектлари балиқчиликни ривожлантириш мақсадида янги ташкил этилган марказга бириктирилади ва улардан фойдаланиш бўйича ягона тартиб жорий этилади. Шу орқали ҳозирги кунда тўлиқ фойдаланилмаётган сув ҳавзаларини иқтисодий айланимга жалб қилиш, интенсивс технологияларни кенг жорий этиш ва ҳар бир сув объектидан юқори иқтисодий самара олиш кўзда тутилган.

Бу борада тегишли давлат ташкилотларига аниқ вазифалар юклатилган. Масалан, Сув хўжалиги вазирлиги интенсивс усулда балиқ етиштирувчилар ва наслчиликка ихтисослашган балиқчилик хўжаликларини доимий, шу жумладан, куз-қиш даврида сув билан таъминлаш керак. Сув лимитларини белгилаш, сувни вақтида етказиб бериш ва балиқчилик хўжаликлари томонидан сувдан фойдаланишнинг назорат қилиш ҳам уларнинг зиммасида.

Илмий-тадқиқот институтлари эса балиқчилик хўжаликларида фойдаланилаётган сув меъёрлари ва нормаларини ишлаб чиқади. Мутахассисларнинг айтишича, бу борада янги ва замонавий механизмлари жорий этиш кўзда тутилган. Масалан, балиқчилик хўжаликлари фойдаланаётган сув сарфи меъёрлари аниқланиб ҳисоби юритилади, турли фасслар учун талаб этиладиган сув миқдори лимитлари ишлаб чиқилади. Бу орқали балиқчилик хўжаликларининг сувга бўлган реал эҳтиёжини

қондириш, сув сарфи назоратини ўрнатиш ва ортиқча сарфлашнинг олдини олиш кўзда тутилган бўлиб, ҳар бир жа- раён илмий асосда олиб борилади.

Балиқчиликни ривожлантириш марказининг асосий жиҳати ҳам шунда — ҳар бир амалиёт илмий ёндашув ва замонавий технологиялар асосида амалга оширилади. Қолаверса, ҳудудларда балиқ касалликларини тезкорлик билан аниқлаш имконини берувчи энг замонавий мобил лабораториялар ташкил этилади. Бу илмий ҳодимларнинг ўзи балиқчилик хўжаликларига бориб, муаммоларни ўрганади, уларга жойида ечимлар беради дегани. Мобил шарoитда лаборатория таҳлиллари ўтказилади. Айни пайтда балиқчилик тармоғида бундай замонавий лабораториялар мавжуд эмас ва уларнинг пайдо бўлиши, айниқса, юртимизда мавжуд олти мингдан зиёд балиқчи фермернинг энг оғриқли масаласини ҳал қилади.


Гап шундаки, балиқчилик хўжаликлари қўпичча сув таркибини таҳлил қилиш каби турли масалаларда республика лабораториясига боришига тўғри келади. Айниқса, касалланган балиқларни таҳлил қилиш зарурати юзага келганда, иссиқ мавсумларда уларни ташishi, биринчидан, жуда қийин масала. Қолаверса, ташиб олиб борилган тақдирда ҳам тўғри ташхис қўйиб бўлмайди, чунки балиқ тез ай- ниб қолиши мумкин. Ҳар бир ҳудудда ташкил этиладиган мобил лабораториялар айни муаммога ечим бўлади. Энди лабораториянинг ўзи балиқчилик хўжаликларига бориб, аниқ ва тезкор таҳлилларни амалга оширади.

Ем, наслик балиқ ва замонавий технологиялар учун субсидия

Вазифалар аниқ, йўналишлар белгиланган, энди уларни амалга ошириш керак. Бунда соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар асосий ўринини эгаллайди, албатта. Шу боис, фармон билан балиқчилик хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор имтиёз ва субсидиялар белгиланди.

— Балиқчилик хўжаликларида олтига йўналишда субсидия маблағлари ажратилиш вазифаси қўйилди, — дейди қишлоқ хўжалиги вазир ўринбосари Акмал Қосимов. — Биринчи йўналиш интенсивс усулда фаолият юритаётган балиқчилик хўжаликларининг муқобил энергия манбаларига ўтишини рағбатлантириш билан боғлиқ. Бунда хўжаликларга қуёш панелларини харид қилиш ва ўрнатиш учун олинган кредитлар бўйича фoиз харажатларининг бир қисми давлат томонидан қўллаб берилади ҳамда қуввати 50 киловаттгача бўлган қуёш панелларини ўрнатиш харажатларининг 20 фоизгача субсидия ажратилади. Қолаверса, энергия тежовчи замонавий аэраторларни харид қилиш харажатларининг 50 фоизига белгиланган меъёрлар доирасида давлат томонидан субсидия берилади. Бу қўллаб-қувватлаш интенсивс технология асосида тектаридан юқори ҳосилдорликка эришган хўжаликларга таъбиқ этилади.

Наслчиликни ривожлантириш мақсадида юқори махсуддор насли она балиқларни хориждан импорт қилиш харажатларининг



50 фоизгача бўлган қисми ҳам субсидия қилинади. Бу мажбурий инкубация ва наслчилик базасини мустаҳкамлаш, махсуддорлиқни ошириш кенгайтири дегани. Шунингдек, йиллик қуввати камиди 20 минг тонна бўлган замонавий омикста ем ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш учун ускуналар сотиб олиш харажатларининг бир қисми давлат томонидан қўллаб берилади. Бу айни пайтда балиқчилик соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бири — сифатли омикста емга бўлган маҳаллий талабни қондиришда муҳим. Янги ишлаб чиқариш қувватлари сони ортқач, бозорда ҳам рақобат пайдо бўлади. Импорт ўрнини босувчи маҳаллий махсудотлар ем нарҳини барқарорлаштириб, интенсивс балиқчилик самарадорлигига ошади.

Ёпиқ сув айланма тизими технологияларини кенг жорий этиш эса инновацион янгиликлардан бири. Ушбу технология ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишда қулай бўлиб, айни пайтда ёпиқ айланма сув таъминоти тизими Балиқчилик илмий-тадқиқот институтида тажриба-синов тариқасида ишга туширилган. Мазкур технологияда ҳовузлар бир марта сув билан тўلدирилади ва доимий тарзда биологик ҳамда механик филтрлар орқали тозланади. Сўнг ушбу сув балиқчилик учун муқобил манба сифатида ишлатилиши мумкин. Келгусида янги технологияни аҳоли

хонадонлари ва балиқчилик хўжаликларида кенг жорий этиш кўзда тутилган. Бунинг учун фармон билан молиявий имтиёзлар ҳам белгиланди. Хусусан, ёпиқ сув айланма тизими технологияларини ташкил этиш учун сарфланадиган умумий харажатларнинг бир қисми давлат томонидан компенсация қилинади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Янги тизимда асосий эътибор илмий ва инновацион ёндашувларга қаратилляпти. Бунинг учун малакали мутахассислар, илгор хорик тажрибаси зарур. Шу боис, балиқчилик хўжаликларига хориждан жалб қилинадиган мутахассислар иш ҳақининг бир қисмини давлат томонидан қоплаш механизми жорий этилмоқда.

Йилига 500 минг тонна

Бу имтиёзлар шунчаки берилмаяпти. Улардан амалиётда фойдаланган ҳолда балиқчилик хўжаликларини кўпайтириш, юртимизда балиқ етиштириш ҳажмини кarrасига ошириш керак. Аниқроқ рақамларга келсак, 2026-2027 йилларда юртимиздаги мавжуд сунъий сув ҳавзаларини интенсивс усулга ўтказиш ҳисобига балиқ етиштириш ҳажмини 500 минг тоннага етказиш, гулмоҳи (форель) ва барабалиқ (осётр) каби юқори қийматли балиқ турларини етиштириш бўйича 2027 йилдан бошлаб йилига 20 минг тонна ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш режалаштирилган.

Берилаётган қўшимча имтиёзлар эса бу борада балиқчилик хўжаликлари учун айни муддао бўлади. Қолаверса, тадбиркорларга миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича фoиз харажатларининг бир қисми компенсация қилинади, йирик инвестиция лойиҳалари учун давлат қафиллиги берилади ҳамда айланма маблағларни тўлдириш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилади.

“Балиқчилик хўжаликлари учун жуда катта имтиёзлар берилляпти, — деди навоийлик тадбиркор Шухрат Давронов. — Белгиланган вазифалар яқин муддатларга мўлжаллангани,



жумладан, 2026-2027 йиллар балиқчилик соҳасида устувор давр этиб белгилангани, айниқса, аҳамиятли. Чунки амалий ҳаракатлар қанча тез бўлса, натижадорлик шунча эрта кўринади.

Кейинги йилларда халқимиз балиқчиликда яхши тажриба тўплади. Янги ва замонавий технологияларни қўллашни бошлади. Аҳоли хонадонларида ҳам балиқ етиштириш оммалашиб борапти, ҳуллас, даромадли тармоққа айланди. Бунинг ортидан халқимизнинг балиқ махсулотларига талабни қондириляпти. Эндиликда ана шу ишларни янада ривожлантириш, янги босқичга олиб чиқиш мақсад қилинган. Бу соҳага янада илгор технологиялар кириб келади дегани.

Бутунги кунда балиқчилик хўжалигимиздаги 16 гектар ерда йилига икки маротаба ҳосил олиб, 550-600 тоннагача балиқ етиштирлямиз. Авваллари балиқни анъанавий усулда етиштирган бўлсак, кейинроқ ярим интенсивс усулга ўтдик. Соҳада берилаётган имтиёзлардан фойдаланиб, интенсивс усулда ҳам балиқ етиштири бошладик. Ҳозирги кунда нафақат вилоятимиз, балки юртимизнинг барча ҳудудларига балиқ етказиб берлямиз. Энди махсудотларимизни хорижга экспорт қилмоқчимиз”.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тадбиркорлик

Тадбиркорлик юртимиз иқтисодий тараққиётининг муҳим таянчларидан бирига айланиб бормоқда. Чунки тадбиркорлик фақат иқтисодий фаолият билан чекланмайди. У янги иш ўринлари яратиш, инсонлар даромадини ошириш, ҳудудлар ривожига ҳисса қўшиш ва мамлакат иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиладиган катта ҳаракатдир.

Президентимизнинг тадбиркорлар билан очик мулоқотлари ана шу жараёнда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу тизим тадбиркорларнинг тақлиф ва муаммолари тингланадиган, амалий ечимлар топиладиган, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган самарали мулоқот майдонига айланди.

Тадбиркор сифатида бу эътибор ва имкониятларни ўз фаолиятимиз мисолида чуқур ҳис қилимман. Давлатимиз томонидан билдириляётган ишонч бизга янги мақсадлар сари интилиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янада катта лойиҳаларни амалга ошириш учун куч ва масъуляти бермоқда.

“MILI GULISTON TEXTILE” корхонамиз 2007 йилдан буён тўқимачилик соҳасида ишламоқда. Йиллар давомида тўпланган тажриба, меҳнат ва изланишларимиз натижасида бутун корхонамизда 350 га яқин юртодошимиз доимий меҳнат қиляпти.



Яратилган имкониятлар ва жамоамизнинг савй-ҳаракатлари билан яна бир муҳим қадам қўйиб, “MILI TEKS SIRDARYO” корхонасига асос солдик. Бугун ушбу корхонада 450 га яқин кишининг бандлиги таъминланган.

Ҳар бир янги иш ўрни ортида инсон тақдири, оила хотиржамлиги ва жамият тараққиёти бор. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали биз нафақат иқтисодий натижаларга, балки инсон қадрини улугулашга хизмат қиладиган муҳит яратишга интилямиз.

Корхоналаримизда, асосан, ярим тайёр тўқимачилик махсудотлари ишлаб чиқарилмоқда. Махсудотнинг бир қисми хорижга сотиляди ва йиллик экспорт ҳажимиз қарийб 20 миллион долларни ташкил этади. Ички бозор эҳтиёжларини таъминлаш, маҳаллий

ЯРАТИЛГАН ШАРОИТ ЯНАДА КАТТА МАҚСАДЛАР УЧУН КУЧ БЕРМОҚДА

ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва миллий саноатимиз ривожига ҳисса қўиш ҳам муҳим вазифаларимиздан.

Аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратял- миз. Ҳодимларимиз учун махсус транспорт хизмати ташкил этилган бўлиб, уларни иш жойига қулай ва хавфсиз етказиб келиш йўлга қўйилган. Чунки биз учун ишлаб чиқариш самарадорлиги билан бирга инсон учун муносиб меҳнат шарoити яратиш ҳам устувор вазифалардан биридир.

Яқинда “MILI TEKS SIRDARYO” корхонамизда аралаш



толали ип-калава ишлаб чиқариш ва ундан трикотаж мато тайёрляйдиган янги цех қуриб битказилди. Бу лойиҳа биз учун нафакат янги қувватлар яратиш, балки ишлаб чиқариш занжирини кенгайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қий- матга эга махсудот ишлаб чиқариш йўлида- ги муҳим қадамдир.

Албатта, бутун жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар тадбиркорлар фаолиятига таъсир кўрсатмоқда. Турли геосиёсий зиддиятлар, айрим ҳудудлардаги бекарорлик ва транспорт-логистика йўналишларидаги ўзгаришлар экспортда муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Чунки замонавий дунё иқтисодиёти бир-бири билан

чамбарчас боғланган тизим бўлиб, бир ҳудуддаги муаммо бошқа бозорларда ҳам сезилмай қолмайди.

Биз ана шундай синовли даврларда ишлаб чиқаришни барқарор сақлаш, янги бозорларни излаш ва корхона имкониятларидан самарали фойдаланиш устида ишлял- ямиз. Бундай пайтда давлат ва тадбиркор ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлиқнинг аҳамияти янада ортади.

Молиявий соҳада яратилган имкониятлар ишлаб чиқаришни давом эттириш ва янги лойиҳаларни амалга оширишда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, биз фойдаланган кредитлар бўйича имтиёзлар берилиб, кредит ставкалари 9 фoиздан 7,5 фoизгача туширилди. Бундай қўллаб-қувватлов чоралари тадбиркорга нафақат иқтисодий енгиллик, балки янги мақсадлар сари интилиш учун ишонч беради. Тадбиркор учун энг катта бойлик ана шу — қулай муҳит ва келажакка ишонч. Чунки ҳар бир имконият ортида янги иш ўринлари, янги махсудотлар, янги ғоялар ва юрт тараққиётига қўшилаётган ҳисса мўжжасам.

Бугун тадбиркорга муносабат тубдан ўзгарди. У иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий кучлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Чунки кучли иқтисодиёт тааб- бускор инсонлар, меҳнатсевар жамоалар ва ишончли ҳамкорлик муҳити асосида барпо этиляди.


Биз учун Президентимиз билан очик мулоқотлар халқ ва давлат ўртасидаги ишонч- ни мустаҳкамляйдиган муҳим механизмдир. Бу ишонч бизга янги марралар сари инти-



лиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва иқтисодиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўиш учун куч бағишляйди.

Зеро, тадбиркорнинг ютуғи бир корхона ёки бир инсон манфаати билан чекланмайди. Унинг ортида иш билан таъминланган юз- лаб инсонлар, фаровон оилалар ва мамлакат иқтисодий салоҳиятининг ортishi мўжжасам. Шу маънода, ишга тушган ҳар бир цех, яратилган ҳар бир иш ўрни ва ишлаб чиқарилган ҳар бир махсудот юрт тараққиёти йўлида қўйилган амалий қадамдир.

Шавкат ЖАЛИЛОВ,
Сирдарё вилoятидаги
“MILI GULISTON TEXTILE”
ва “MILI TEKS SIRDARYO”
корхоналари раҳбари



Ижтимоий фаолиятнинг барча асосий йўналишларини ўз ичига олади

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



К ВОРИСЛАРИ

УЛУҒБЕК ВОРИСЛАРИ

ИЛМ-ФАНГА МЕҲР ВА БУНЁДКОРЛИК РУҲИ БИЛАН УЛҒАЙМОҚДА

Бундай муваффақиятлар замирида ёшларнинг халқроқ раёбатбардорлиги ноти оширишга қаратилган аниқ ва маъзил чора-тадбирлар мужассам. Хусусан, халқаро тити сертификатларни қўлга киритиш харажатларининг давлат томонидан қоплаб берилиши энг чекка ҳудудларда яшовчи иқтидорли йигит-қизлар учун ҳам глобал таълим майдониға чиқиш имкониятини яратмоқда.

Бугун Самарқанд ёшлари буюк аждодимиз Мирзо Улуғбекнинг илм-фалган садақоти, юксак тафраккури ва бунёдкорлик руҳининг муносиб давом эттирмоқда. Улар замонавий билим, рақамли технологиялар, тадбиркорлик ва юксак фуқаролик масъулиятини ўзидан муҳассан этган авлод сифатида нафақат вилоят, балки янги Ўзбекистон тараққиётининг энг муҳим интеллектуал ва ижтимоий драйверига айланб бормоқда.

Шухрат НОРМУРОВ,
журналист

